

Тошкент халқига

Вилоят ижтимоий—сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

1993 йил 10 апрель • шанба

№ 41 (10.467). Нархи 8 сўм.



● ҚИБРАЙ райондаги «Маданият» жамоа хўжалигининг 3-бригадаси деҳқонлари савзавотнинг ҳар бир туридан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Саримсоқ пёздан ҳам баракали хирмон кўтариш мўлжалланмоқда. Суратда: жамоа хўжалиги аъзоси Муроджон Миралиев саримсоқ пёзга ишлов бераётган.

Н. Муҳаммаджонов олган сурат.

● Вилоятимиз далаларида чигит экиш бошланди

ОБИ-ТОБИДА

ЯНГИЙЎЛ. (Ўз мухбири-низда). Вилоятимиз далаларида чигит экиш бошланди. Ерни, техникани ва бошқа воситаларни шай қилиб қўйган миришкор деҳқонлар ҳар кун, ҳар соатни ганимат билиб, экинни авж олдиришмоқдалар. Бу иш Янгийўл районда ҳам уюшқоқлик билан бошланди. Район деҳқонлари бу йил эл хирмонига 21 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилганлар. Шу мақсадда 8033 гектар майдонга «С-6524» ва «АН-415» пахта навлари чигити экилади. Айни кунларда барча хўжаликларда экин агрегатлари далага олиб чиқилди. Механизаторлар, сеялкачилар қайрат кўрсатиб, кунга режадаги майдонга уруғликни экиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Чигит экиш билан бирга картограммага мувофиқ ерга 100—150 килограмдан азотли ўғитлар солиб кетилмоқда. Ўтган йили кўпгина далаларни бегона ўт босган эди. Экин озукаси, сувга шерик бўладиган бегона ўтин йўқотиш учун бу йил, албатта, ката-

ран гербицидидан фойдаланилади.

Деҳқонлар экинда иш сифатига алоҳида эътибор бермоқдалар. Чигит обдон текисланган, борова ўтказилди, нами яхши сақланган далаларга экилмоқда. Сеялкалар ва бошқа агрегатлар пухта созланганлиги, механизаторлар яхши тайёргарлик кўрганликлари учун экин жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Бу йил экинда сира яглишмаслик, фурсатин бой бермаслик муҳимдир. Бунинг учун техникалар бетўхтов ишлаши зарур. Ана шу мақсадда 2 та махсус таъмирлаш бригадаси ташкил этилган ва у далама-дала юриб, экипаж аъзоларига хизмат кўрсатади.

Янгийўлликлар 1993 йил хирмонининг баракали бўлиши учун эг аввало экинни тез ва соз ўтказиб, уруғликни ернинг намига текис ундириб олиш, барча майдонларда кўчатларни бутлаб, гектарнинг тўлиқ бўлишини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

● Ўзбекистон—ХХР

Фойдали ҳамкорлик

ХИТОЙЛИК ишбилармонлар республикамизга тобора кўпроқ қизиқиш билан назар ташламоқдалар. Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ўтказилган Хитой халқ истеъмоли моллари намойиши давомида улар Ўзбекистон иқтисодиётидаги имкониятлар кенглигига ишонч ҳосил қилган эдилар. Ўз навбатида юртимиз ишбилармонларига хитойликларнинг илмий-техника ютуқларидан кенг фойдалана билишлари ишлаб чиқаришни қисқа муддатда ижобий ўзгартира олишлари ва албатта маҳсулотларининг арзонлиги маъқул келди. Эндиликда ишбилармонлардан ташкил топган деле-

гациялар ўзаро фойдали ҳамкорлик шартномаларини имзолаш мақсадида тез-тез борди-келди қилиб турмоқдалар.

Шинь-Жон уйғур мухтор республикасининг ташқи ишлар бошқармаси вакиллари-дан иборат делегация ҳам яқинда Ватанимиз пойтахтида бўлиб, Шарқ мамлакатлари билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси билан мустаҳкам алоқалар ўрната олди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки хитойликлар ишга жиддий ва қатъий киришдилар. Тузилган шартномага биноан улар шу яқин орада Тошкентда ўз ваколатхоналарини очадилар.

Бундан кўзлаган асосий мақсадлари эса қўшма корхоналар тузиш, савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Ш. РУСТАМОВ.

СУРАТДА: Шарқ мамлакатлари билан ташқи-иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси бош директори И. Нежданов ва Уруғчи делегациясининг бошлиғи Хэ Хуай Лиан (ўртада) ёрдамчилари билан ҳамкорликда ўзаро шартномалар тузмоқдалар. В. ХАРИТОНОВ суратга олган.



ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЛМОҚДА

Тошкент тўқимачилик комбинатида электр энергияни тежайдиган соддагина рационализаторлик таклифи жорий қилindi. Унинг муаллифлари — муҳандислар Ш. Ғонбов билан Э. Гладкова калава ип қабул қилувчи бункерлар тепасидаги чироқларга эҳтиёж бир хил эмаслигини пайқаб қолишди. Айрим жойлардаги чироқнинг ёришиш кучини камайтиришди, зарур жойларда эса оширишди. Натижада ҳар кеча-кундузда сарфланадиган энергия сезиларли равишда қисқарди.

Бу рационализаторлик таклифи ўтган йили электр ва иссиқлик энергиясини тежайш учун ўтказилган республика танловида диққатга сазовор бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, ундан тармоқ корхоналарида кенг фойдаланса бўлади.

(ЎЗА).

Ижара муаммолари

ИЖАРАГА ер олган деҳқон ерга ўзининг хусусий мулкидек қараб, муносабатда бўлади, вақтида ҳайдаб, ўғитлаб, хоҳлаган турдаги экинларини экиб, мўл ҳосил етиштиради. Мўмайгина даромад олади.

Тошкент райондаги Ғ. Абдуллаев номли, «Ҳасанбой» жамоа хўжаликларида бу соҳада ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йил якунига кўра мазкур хўжаликлардаги ижарачилар ҳар бир гектар ердан ўртача 200 минг сўмдан даромад қилдилар. Уларнинг ўртача ойлик маошлари 10 минг сўмданга айланди. Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжалигидан Пўлдош Тожибоев, Исмаилов, Саидганиев, Ҳаким Аҳмедов каби ижарачилар эса ҳар гектар ердан 250 минг сўмдан даромад олдилар. Бундай мисолларни бошқа хўжаликлардан ҳам келтириш мумкин.

Лекин ижара пудратининг ўзига яраша муаммолари ҳам бор. Гап шунда-

ки, ёнилги-мойлаш материаллари қимматлашиб кетганлиги таъсир кўрсатмоқда. Ижарачилар ҳар бир гектар ерни ҳайдаш, текислаш, экинга тайёрлаш учун катта маблағ тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Бунинг бир томондан тушунса бўлади. Ерга экин учун ҳам уруғ ҳали етишмайди. Бор уруғларнинг нархи ҳам осмонда. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот таннархининг қимматлашишига, бозорда нарх-навоининг ошишига олиб келади. Шунинг учун яхши бўларди, ижарачиларга бироз бўлса ҳам арзон нархдаги, кафолатли уруғлар етказиб берилса, шунингдек, механизация билан ишлов беришнинг нархи ҳам иммоният даражасида арзонлаштирилса. Ана шунда ижарачилар ҳам бозорга олиб чиқиладиган маҳсулотларининг арзонроқ нархда сотилишига кафолат берадлар.

Т. САФАРОВ.

• Қутлов •

ЗУЛЛИСОНАЙН МУҲАРРИР



«Зуллисонайн»лик ижодкордан катта билим, тажриба талаб қилади. Чунки у иккала тилни ҳам бутун икки-чиқирларини, ўзига хос жилваларини мукамал билмоғи, унда усталлик билан фойдаланмоғи керак.

Ҳозир ҳам икки тилда бир хил қалам тебратувчилар учраб туради. Биз бугун қутлаётган ижодкор, айтиш

мумкинки, зуллисонайн муҳаррирдир. У «Бўстонлик овози» ва «Бўстонлик довуси» газеталарининг муҳаррири Фатҳулла Нурматовдир.

Фатҳулла Нурматов мақсади ва вазифаси бир бўлган икки жамоага кўп йиллардан бери раҳбарлик қилиб келаётир. Дастлаб ўз фаолиятини «Ўқитувчи» нашриётида бошлаган Фатҳулла газетачи бўлиб қолишига сабабчи бўлган марҳум устозлари Тўлқин Ҳакимов ва Қўчқор Нормирзаевларни миннатдорчилик билан эслайди. Уларнинг бири район газетасининг муҳаррири, иккинчиси район босмахонасининг директори эди. Ана шу устозлар далдаси ва тавсияси билан у Бўстонликда чиқа бошлаган газетачи ишга ўтди. Аввал муҳбир, сўнг бўлим мудир, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари ва ниҳоят муҳаррирлик лавозимларида ишлади. Сўнгра олий нартия мактабда билиминини оширди. Кейин райком йўриқчиси, ташвиқот ва тарғибот бўлими мудир вазифаларини бажарди. 1985 йилдан яна жонажон газетаси

даргоҳига қайтиб, ҳозиргача икки газетанинг муҳаррири бўлиб ишламоқда.

«Бўстонлик овози» ва «Бўстонлик довуси»ни район ҳаётининг кўзгуси дейиш мумкин. Унда энг етакчи мавзу халқлар дўстлиги, қардошлиги, биродарлиги мавзундир. Шунингдек, «Ойла», «Жума ўғитлари» сингари ахлоқ-одобга оид саҳифалар материаллари ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бўстонликда чиқаётган бу газеталарнинг вилоятимизнинг Қўйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Зағиота районларида ҳам мухлислари бор. Муҳаррир ижодий жамоалар куч-гайратини ҳозирги даврнинг долзарб масалаларини малакали ёритишга сафарбар этмоқда. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай таҳририйат ходимлари янги-янги мавзуларни кўтариб чиқмоқдалар. Бунда Фатҳулла Нурматов ва унинг шогирдлари муҳаррир ўринбосари Абдусолиқ Қўлбоев, масъул котиб Иззатилла Пирметов, хатлар бўлими мудир Манзура Алихунова, таржимон Жақсийлақ

Доулбоевларнинг хизматлари катта.

Муҳаррирнинг иши ҳамма вақт бошидан ортиб ётади, доимо вақти зиқ бўлади. Икки газетага масъул кишига эса қанчалик қийин бўлишини тасаввур этиш мумкин. Шундай бўлса-да, Фатҳулла Нурматов жамоатчилик ишларини ҳам кўнгилдагидек олиб боришга эришмоқда. У ўн беш йилдан буён район кенгаши депутати, савдо ва маънавий ишлар бўлими раиси бўйича доимий комиссиянинг раиси. Айни пайтда зиёлилар илмий-маърифий уюммаси («Билим» жамияти) район бўлимининг раиси.

Кўп йиллик фидокорона меҳнатлари эвазига Фатҳулла Нурматов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланган. Ҳозир катта ижодий режалар белгилаб, ўзи раҳбарлик қилаётган жамоаларининг район олдида турган вазифаларини бажаришга катта ҳисса қўйишини таъминлаш ҳақида қайғурмоқда.

Биз бугун кадрдон ҳам-касбимизни қутлуғ 50 ёши билан муборакбод этамиз. Унга, овласига сўҳат-саломатлик, тивчлик, омонлик ва ижодий баркамоллик тилаймиз.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН— ОЛМОНИЯ АЛОҚАЛАРИ

Республика Маданий-маърифий алоқалар миллий уюммасида Олмония Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси доктор К. Х. Қуна билан учрашув бўлди.

Учрашув чоғида уюшма раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Олмония жамоатчилиги ўртасида кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. К. Х. Қуна халқ дипломатиясини, икки мамлакат ўртасидаги маданий ва касб-кор ҳам-корлигини ривожлантиришга имкони борича кўмаклашаверишини уқтириб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Олмония Федератив Республикаси ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

(ЎЗА).



САЙИЛ САЙИЛГА УЛАНДИ

Утган йили ташкил этилган «Туркистон» жамоа хўжалигининг Оқтепа қишлоғи марказида кунни кеча бўлиб ўтган Наврўз айёми тантаналари ҳам халқ сайлига айланиб то кечга қадар давом этди. Янги хўжаликнинг мингдан зиёд аҳолиси биринчи марта бутунлай мустақил ҳолда алоҳида кўтаринки кайфият билан Наврўзни ўта қизиқарли қилиб нишонладилар. Тантаналарга аввалдан пухта ҳозирлик кўрилганлиги уни бошланиши биланоқ яққол кўзга ташланди. Жамоа хўжалиги ҳудудда яшовчи турли миллат вакилларига ўз миллий урф-одатларини, санъат ва бошқа таомилларини кенг намоиш этишга ҳар жиҳатдан кенг имконият яратиб берилганлиги байрамга янада жозибали файз киритди. Ўрни келганда шунини ҳам таъкидламоқ керакки, мазкур хўжалик ҳудудидаги қишлоқларнинг туб аҳолисини асосан кўҳна Самарқанд вилоятининг Зомин районидан, яна бир қисминини эса Қўзғистондан бир вақтлар кўчиб келиб, бу ерда муқим яшаб қолган турли миллат кишилари ташкил этадилар. Байрам шодиёнасида район марказидаги ўнлаб ташкилот, корхона ва хўжаликлардан ташриф буюрган меҳмонлар узоқ йиллардан буён илк бора бу ер-

даги қишлоқ одамларининг ўзларига хос мавжуд барча одатларини кузатишга муяссар бўлдилар. Бутун дунёга машҳур бўлган кўҳна Самарқанднинг алоҳида дид ва маҳорат билан қозонда пиширилган, ҳар бирининг катталиги лагандек келади-ган ширмой нонлари ёзилган дастурхонларга кўрк бағишладилар. Уларни шу ерда истиқомат қилувчи момолар ўз қўлларин билан тайёрлаб чиқинди. Бошдан оёқ миллий либос кийган қозоқ қизлари, оқинлар дўмбира чертиб, жир айтдилар. Меҳмонларга ўз маданиятлари ва санъатларини намоиш этдилар.

Тантаналарни мароқли ўтказиш учун бор куч-гайратини сарфлаган ва уни олиб борган халқ депутатлари Оқтепа қишлоқ кенгашининг раиси Юсуф Қаршибоев бир сўз билан айтганда «Туркистон» жамоа хўжалиги раҳбарларининг аҳолини маданий дам олишлари учун белгилаган барча тадбирларини ҳар жиҳатдан қизиқарли амалга ошишини таъминлай олди. Режалаштирилган турли қизиқарли ўйин ва спорт турларининг навбат билан ҳаммани жалб этган ҳолда йўлга қўйилиши уларни тўпланганларнинг барчасига томоша қилиш имконини берди. Жамоанинг Наврўз байрамида унинг ҳудуд-

даги мактабларнинг ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳам фаол иштирок этдилар. Бир томонда футбол ўйинлари, у тугаши билан арқон тортиш мусобақаси, иккинчи томонда хўроз уриштириш баҳси меҳмонлар дилига завқ бағишладилар. Совринларни катта-кичиклигидан қатъий назар ғолибларга шу ернинг ўзида дарҳол тақдим этилиши ўйин иштирокчилари сонини тобора ошириб борди. Тантаналар жараёнида қишлоқдаги икки ёш келин-куёвга ЗАГС гувоҳнома-сининг топширилиши кўпчилик учун яна бир янги қувончли воқеа бўлди. Янги оила қураётган ёшларни жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Жўрақул Отақулов табриклади. Оппоқ соқолли отахонлар, ўнлаб набира ва чевараларнинг сеvimли бувижонлари бўлган кекса момолар келин-куёвларга ширин турмуш, бахтли ҳаёт тилаб, дуо қилдилар. Бай-



рамда қишлоқлардаги энг саришта маҳалла қўмитаси раисларига ва энг озода хонадон соҳибларига мукофотлар топширилди. Езувчи ва журналист Мажид Самадов ўзининг табрик шеърларидан ўчи берди.

Тантаналарда ўз ўринбосарлари билан фаол ишти-

рок этган район ҳокими, жумҳурият халқ депутати Абдусамид Носиров жамоа меҳнат аҳлига яхши кайфият, бошланаётган қишлоқ хўжалик ишларини намунали амалга оширишда муваффақиятлар тилади.

Қишлоқдан қайтар экан-

миз, бу йилги Наврўз шодиёналари хўжалик деҳқонлари дилида узоқ вақт сақланиб қолажagini ҳис этдик.

Н. ТОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

• Табриклаймиз!

МАКТАБДОР ДОМЛАНИНГ НАБИРАСИ

ҚУТБНИСОНИ кўпдан бери билемиз. Муҳиддин мактабдор набираси бу қизча Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиб юрган кезларидаёқ ёзишчиликка ўч эди. «Бўладиган бошидан билинади» деганлари рост экан... Мана, салкам ўттиз йилдирки, жумҳуриятимизда чиқадиغان жуда кўп раб рўзномаларда, ойномаларда унинг қаламига мансуб очерклар, лавҳалар, шеърлар, ҳикоялар, ҳажвиялар, публицистик мақолаларни ўқиб келамиз. Сирасини айтганда, «Ойи-жон, ойи», «Лайлак келди», «Тинчлик бобо» мажмуалари, «Ягонахон», «Пўпанаклар» тўпламлари, «Куртаклар» қиссаси ана шу жиғаларнинг ҳосиласи бўлди.

Инсон қандай бўлса унинг ёзган нарсаларидан ўша одамнинг табиати уфуриб туради. Дарҳақиқат, шундай. Қутбнисо Носир қизи ўта камтар, дилнавоз, тортинчоқ, истараси иссиқ, товуши босиқ, гап-сўзлари ромғир. Ёзган нарсалари ҳам баъйни ўзи сингари киши қалбини гоҳ уйғотади, гоҳ ову-

тади, гоҳ тўлқинлантиради, гоҳ ўйлантиради, гоҳ кулдиради...

Аёл зотининг ёшини суриштириш одобдан эмас, дейдилар. Қутбнисога қийсан бу унчалик тўғри эмас. Бу ҳамкасбимиз ҳаммаша мамнуликда яшайдиган, Оллоҳ насиб этган ҳар кунни, ҳар ойи, ҳар йилига шукроналар айтадиган инсондир. Ширин фарзандлар волидаси, ажойиб дўст-дўгона, яхши хонадон соҳибаси бўлган синглимиз эллик баҳорни бугун қучоғига гул каби даста қилиб йиғмишдир.

Кунни кеча республика журналистлар уюшмаси, жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳамкасблар «Муштум» журналининг бўлим мудираси, шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Журналистлар уюшмаси совриндори Қутби Носированинг 50 йиллигини нишонладилар. Отахон ёзувчилар, таниқли шоирлар, қатор муҳаррирлар, сафдош қаламкашлар Қ. Носировани чин дилдан навқирон мавлуд кунни билан муборакбод этдилар.

• Диққат, янгилик!



ДОРИНИНАЛАР ҚОЛДИҚЛАРИДАН ЯСАЛМОҚДА

Ўтган йилнинг январида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил этилган «Тиббэкология» кичик корхонаси ўзининг дастлабки маҳсулотларини бермоқда. «Ўзтибтехника» савдо бирлашмасининг бош директори Саидқром Саидқаримович Аҳроров ташаббуси билан очилган бу корхонани таъсис этишга Тошкент вилояти савдо бирлашмаси «Вилтибтехника» ҳамда бир марта ишлатиладиган дорининалар тайёрловчи «Медиз» акционерлик корхонаси ҳам бош қўшган. Ҳамкорликдаги ишнинг мазмуни — республика тиббиётида фойдаланиб бўлинган бир марта қўлланиладиган дорининалар қолдигини қайта ишлаб, улардан халқ истеъмол моллари тайёрлашдан иборат. Япония, Испанияда анчадан буён қўлланилиб келинаётган бу усул Марказий Осиё учун янгилик ҳисобланади. Шундай қилиб, Тошкент вилоятида биринчи бўлиб бу хайрли ишга қўл урилди.

Фойдаланиб бўлинган дорининалар қолдиқларида ҳар хил пластмасса маҳсулотлари мавжуд, — дейди

кичик корхона директори Юрий Сергеевич Волков, — икки-уч йилдан бери уларни чиқинди сифатида ташлаб юборилаётган эди. Эндиликда Қўнрай районининг Дурмон қишлоғида иш бошлаган бизнинг корхонамиз бундай «исрофгарчилик»нинг олдини олди.

Дорининалар қолдиғи бўлакларга ажратилиб, пластмасса қисми эритилгач, улардан кийим илгичлар, кийим дазмоллаш чоғида фойдаланиш учун сув пуркагичлар ҳамда уй ҳаммомлари учун жуда зарур бўлган йхчам совун қўйгичлар тайёрланмоқда. Айни пайтда тиббий муассасалар учун бир қатор жиҳозлар тайёрлаш ўрганилаётган. Ҳозирча корхона вилоятимиздаги хомашанинг ўзидан фойдаланяпти.

Юрий Сергеевич бундай корхона филиалларини бошқа вилоятларда ҳам очиш тарафдори. Келгусида бу иқтисодимизга катта фойда келтириши равшанлашиб қолди, дейди у. Ўтган йили «Тиббэкология» салкам 1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Бу йил эса у янги ускуналар сотиб олди ва

январь-февраль ойларида 600 минг сўмдан самара берди. Яқин кунлар ичида бу кўрсаткични ойига 1,5—2 миллион сўмликка етказишни кўзда тутилмақда.

Рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришда «Медиз» заводининг чиқинди маҳсулотларини ҳам қўл келяпти. Уларни қайта ишлаб, пластмасса ликопчалар, пиллалар тайёрланиб сотувга чиқарилди.

Шуни айтиш керакки, дорининалар қолдиқлари, чиқинди буюмлар фойдаланишдан олдин, уни топширувчилар дезинфекциядан ўтказган бўлишлари қатъий риоя қилинмоқда. Сўнгра хомашё 200 даража ҳароратда эритилгач, қайта мусаффоланади ҳам. Шу тариқа никиламчи хомашёдан тайёрланган бежирим, гигиеник талабларга жавоб берувчи рўзгор ашёлари харидорларга савдо тармоқлари орқали етказиб берилаётган.

Х. САИДВАЛИЕВ.

Суратда: Кичик корхона ходимлари маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

Абдувоҳид ТУРАЕВ суратга олдган.

ХАБАР

Тошкент олий ўқув юрларида таълим олаётган бир гуруҳ ажнебий талабалар 4 апрелга ўтар кечаси милиция соқчилиқ хизмати ходимларига ҳужум қилди. Ҳужум қилганлардан бири — Конго республикасининг фуқароси тўқнашув вақтида оғир жараланиб, ҳалок бўлди. Прокуратура идоралари жиний иш қўзғайди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Конго республикасининг Москвадаги элчихонасига нота юбориб, содир бўлган воқеадан хабардор қилди.

Эртасига, 5 апрель кунни

конголик талабалар Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирида тартибсизлик чиқаришга уриниб кўрдилар. Жамоат тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг митинг ҳамда намойишлар ўтказиш тўғрисидаги қонуини бузганликлари учун улас милиция ходимлари томонидан ушлаб олинди. Қонунбузэрлик ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиққан Сирғали тумани халқ судининг қарорига биноан хорижий талабалар маъмурий жавобгарликка тортилди.

[УЗА].

Мана энди Германияга ҳам ҳаво «кўприги» солинди. Тўғрироғи, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли ҳаво кемалари ва «Люфтханза» самолётлари ҳафтада икки марта Тошкент билан Европанинг энг йирик тайёрагоҳи жойлашган Гессен Ерларининг қоқ марказига қатнайди.

Авиаторларнинг гаплари га қараганда, техник парвоз биринчи марта синаб кўрилди. Биринчи йўловчиларга ҳам аъло хизмат кўрсатилди. Улар орасида, одага кўра, авиация мутахассислари ва авиакомпания раҳбарияти томонидан сафарга таклиф этилган муҳбирлар гуруҳи бор эди. Навбатдаги техник парвозга ҳам миллий авиакомпаниянинг бош директори Ғани Мазитович Рафиқов раҳбарлик қилди.

Парвоз ҳақида оддийгина қилиб гапириш, албатта, қизиқ эмас. Самолёт ҳавога кўтарилди, тегишли баландликка эришди, 5,5 минг километр масофани муваффақиятли ўтди ва Майндаги Франкфурт аэродромига қўнди. Жудда оддий тафсилот. Аммо янги маршрутнинг очиш осон эмас. Экипаж командири ўриндиғига ўтириб,

самолётни ҳавога парвоз эттирган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» бош директорининг ўринбосари Арслон Ғойпович Рўзमतов айнан шундай фикрда. Машинани сафарга ҳозирлаш учун узоқ вақт машаққатли тайёргарлик ишлари олиб борилди.

• Сафар таассуротлари

ФРАНКФУРТГА БИРИНЧИ ПАРВОЗ

Лайнер учиб ўтган ерлардаги тайёрагоҳлар диспетчерлик хизматлари билан аниқ ва бехато алоқа ўрнатиш, йўналишни тўғри белгилаш ниҳоятда муваффақиятли яқунланди.

...Мана, самолёт қаноти остида Германиянинг қадимий ерлари. Ҳаво тайёрамаиз оҳиста ерга қўнди. Шодиёна кутиб олиш онлари бошланди. Аэропорт хизмати вакили жаноб Шойф, «Кондор» авиакомпаниясининг президенти доктор Шойберлар миллий авиакомпания раҳбариятини, учувчиларимиз-

ни, журналистларни, шу кунни Франкфуртга келган бошқа йўловчиларни самийий муборакбод этдилар. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ваколатхонаси залида ўтказилган махсус қабул пайтида икки томоннинг номига кўпдан-кўп илиқ гаплар, таб-

риқлар айтилди, икки ўртада бошланган дўстона алоқаларнинг истиқболлари ҳақида яхши фикрлар баён қилинди.

Сўзсиз, дўстона мулоқотларнинг истиқболлари порлоқ. Ахир Франкфурт аэропорти жаҳонда Кеннеди (АҚШ) аэропортидан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳар 40 сонияда битта самолёт қўниб, иккинчиси ҳавога парвоз қилади. Бу ерда жаҳоннинг ранг-баранг авиакомпаниялари тайёраларини учратиш мумкин. Бу бежиз эмас. Шаҳар жуғрофий нуқтаи

назардан энг қулай минтақада — Европанинг қоқ марказида жойлашган. Шаҳар аэропорти Америкадан Осиё ва Австралияга, Шимолий мамлакатлардан Африка ва Жанубий Америка ҳудудларига йўл олаётган ҳаво кемаларининг тўхтаб ўтадиган

асосий манзилгоҳи ҳисобланади. Тошкент эса, ўз навбатида, Жанубий-Шарқий Осиё ва ундан нарига учиб бораётган самолётларнинг тўхтаб ўтиши, ёнилғи қўйиб олиши ва йўловчиларнинг тушиб-чиқиши учун энг қулай манзилгоҳдир. Бир сўз билан айтганда, ўзбек ва немис авиаторларининг ўзаро ҳамкорлиги икки томон учун гоётда манфаатлидир.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ваколатхонасидаги самийий ва шодиёна қабул маросимидан сўнг немис ҳамкасбларимиз Тошкентдан

меҳмон бўлиб келган йўловчилар учун Франкфурт бўйлаб мароқли сайил ташкил этилди, шаҳарнинг тарихи, қадимий ёдгорликлари ва ҳозирги янги мавзелари билан таништирилди. Шаҳар гоётда чиройли, тоза ва кўркам, уруш харобаларидан асар ҳам қолмаган. Янги қурилган осмон-ўпар хушбичим бинолар дилни қувнатади. Буларнинг ҳаммаси меҳнатсевар халқ бунёдкорлик ишларининг самарасидир. Биз бўлгуси ўзаро ҳамкорлик алоқаларимизда ана шундай кўркам фазилатлар устивор бўлишининг умидворимиз.

Самолётлар парвоз эта бошлади. «Люфтханза» ҳаво машинаси Тошкент аэропортига келиб қўнди ва тез орада миллий авиакомпаниянинг «ИЛ-62» ҳаво кемалари янги парвозга қанот ростлайди. Улар сайёҳлар ва ишбилармон кишиларни у мамлакатдан бу мамлакатга ташиб, аниқ амалий алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилади, фуқароларнинг келиб-кетиши тиғиз тус олади. Бу дегани — халқ дипломатияси катта фойда кўради демакдир.

Юсуф ҚОБУЛЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
нинг махсус муҳбири.

Ўз-ўзидан маълумки, бугунги кунда мамлакатга фуқаролар тинч-тотувлиги, фаровонлиги сув билан ҳаводек зарур. Фақат шундай шароитдагина иқтисодий тангликни бартараф этиш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқишдек улғувор режаларини муваффақиятли бажариш мумкин. Лекин жиний тўдалар, мустақиллигимизнинг мустақамланишини истамайдиган муҳолифларимиз бу оддий ҳақиқатни тушинишни истамайдилар. Сабр-тоқатнинг чегараси бор. Бугун у ана шу чегарадан ошди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакиллари республика Президентининг уюшган жинийчиликка қарши курашга янада кучайтириш тўғрисидаги Фармонини қизғин қўллаб-қувватлаб кутиб олдилар.

Вилоят прокуратураси ҳам ички ишлар бошқармаси, миллий хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари билан ҳамкорликда уюшган жинийчиликнинг ўсишига тўсиқ ўрнатиш, унинг ривожланишига сабаб бўлаётган шарт-шароит, жараёнларнинг пайини қирқишга йўналтирилган ишларни ташкил этиш, давлат ва ишлаб чиқариш интизомини мустақамлаш, жойларда ҳуқуқий тартибни кучайтириш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан Президент Фармонларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш йўлида астойдил хизмат қилмоқдалар.

Азиз муштарийлар, ўзингиз сезаётган бўлсангиз керак, бугунги кунда жинийчиликка қарши кураш кескин тус олмақда.

Агар ўзингизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг чайқовчиларни четлаб, тўғридан тўғри дўконларга етказиб бериш, аҳолини ижтимоий белгиланган нархларда сотиш йўлига қўйилганда эди, халқимизнинг бу маҳсулотларга нисбатан эҳтиёжлари маълум даражада қопланган бўларди. Афсуски, одамлар кўз тикиб турган бундай ноёб нарсаларни биринчи навбатда олибсатарларга оширишга уринадилар. Масалан, шу йилнинг 23 февралда Янгийўл шаҳрида яшовчи фуқаро Карима Қўзиеваннинг уйи тинтув қилинганда ҳар бири 20 килоли 39 қути маргарин ёғи борлиги аниқланди. Ф. Қўзиеваннинг айтишича, бу маргаринларни икки номаълум шахс Тошкент шаҳридан «Эил» машинасида 100 минг сўм эвазига ташлаб кетишибди.

Янгийўл шаҳар прокуратураси ички ишлар бўли-

ми билан ҳамкорликда уюшган жинийчиликка қарши курашни изчиллик билан олиб бормоқда. Яқинда Янгийўл шаҳрида яшовчи, илгари 4 марта судланган, «Чунча» лақаби билан машҳур бўлган Бахтиёр Бобо-жонов ҳибсага олинди. У билан бирга янгийўллик Қим Сафрон (лақаби «Союзник»), аниқ турар-жойи йўқ, муқаддам бир неча марта судланган Маҳмуд Аҳроров (лақаби «Моха») ҳам ушланди. Жинийчилар раҳнамоси, «Рафа» лақаби билан «донг» таратган, уч марта судланган Рафиқ Шегвалиев қонунсиз равишда гиёҳвандлик моддаларини сақлаганлиги учун айбланиб, қамоққа олинди.

Паркент район прокуратураси район ички ишлар бў-

рик Меликяннинг Миробод район, Хушнуд кўчасидаги 6-уйидан 720 доллар, 930 минг сўм пул, 600 дона сочиқ, кўп миқдордаги микро-схемалар топилди. С. Меликян билан бирга ўша автомашинада кетаётган Арманистон фуқароси М. Броян вақтинча яшаб турган Сергелидаги хонадон текширилганда 1400 дан зиёд микро-схема, 30 литр азот кислотаси, 4 дона тилла, бром, тиллани қайта ишлашда фойдаланадиган чарм қўлқоп рўйхатга олинди.

Аниқланган маълумотларга қараганда Саркис Тепоян Сергели район, «Дўстлик» массивидаги 2-уй, 4-хонадонда яшаб келган. У арманистонлик фуқаролар билан ҳамкорликда ҳамда «Тошэлектромаш» заводи директори-

қаро Абдумухтор Қодир ана шундай нияти ёмонлардан бири. У ўз халқига аталган 34,4 миллион сўмлик саноат молларини Чирчиқ шаҳар, 4-микрорайон, 18-уйнинг биринчи хонадонда яшовчи Надежда Гребенниковани-кага туширади. Албатта, Надежда ҳам бу молларни Чирчиқ аҳолисига арзон нархда сотиб, ҳайрли иш қилмоқчи эмасди. Унинг ни-ма мақсадни кўзлаганлигини терговчилар суриштириб билиб оладилар.

Гиёҳвандликка берилиш энг хавфли жинийларни келтириб чиқараётганлиги маълум. Гиёҳванд хумор тутганда ҳар қандай тубанликка тайёр туради, фуқаролик бурчи, инсонийлик тушунчаларини тан олмайди. Шунинг учун ҳам гиёҳ-

зорат қилувчи идоралар билан биргаидека аҳоли истеъмол бозорини қонун асосларида ташкил этишга бевосита таъсир ўтказиш чоралари ишлаб чиқилди, жиний гуруҳларнинг ҳатти-ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида барча район ва шаҳарларда текширишлар олиб борилмоқда.

Вилоят прокуратураси вилоят ички ишлар бошқармаси, район ва шаҳар прокурорларига уюшган жиний гуруҳлар, гиёҳвандлик ва бошқа оғир жинийларга қарши курашни тўғри ташкил этиш юзасидан ёзма кўрсатмалар берди.

Жиний ҳатти-ҳаракатлар натижасида республикамиз иқтисодига катта зарар етказилмоқда. Прокуратура, ички ишлар бошқармаси, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорликда ўтказётган тадбирлар ана шу зарарларни жиний гуруҳлар ҳисобидан қоплаш, биринчи навбатда шу хилдаги жинийларнинг олдин олишига қаратилган. Кейинги 15—20 кун ичида ана шу тадбирлар натижасида 300 граммдан ошқ тилла, 2 кило кумуш қўймалари, 1 миллион сўмдан анёд пул, 700 доллар, 10 га яқин ўқ отар қуроллар, 100 дан ортиқ ўқ, пичоқлар, 10 кило атрофида гиёҳвандлик моддалари, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган 1680 та ампула (давлат баҳоси 2 миллион сўм), 30 миллион сўмдан ошқ мол, кўп миқдордаги ясама ароқ, коньяк ва бошқа турдаги спирт маҳсулотлари мусодара қилинди.

Биз жиний оламига қарши мурасиз кураш эълон қилдик. Бу оламнинг «корчало»лари эндиликда бемалол яшолмайдилар. Уларни муқаррар жазо кутиб турибди. Жинийчи бутун қўлга тушмаса эртага қўлга тушади, халқ ризқини қийиб, бойлик тўплашга интилган кимсалар бугун бўлмаса эртага «аттанг» деб пешоналарига урадилар, қинғирлик билан тўплаган бойликлари, мол-мулклари мусодара бўлганда кўзлари мошдек очилади.

Зеро, ўз-ўзидан оқиб келаётган бойликлар бир кунмас—бир кун ўзларини ҳам оқизиб кетиши турган гап. Зеро: «Ал қасосу минал ҳақ» яъни ҳар қандай жиний жазосиз қолмайди!

Т. ШУКУРОВ,

вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

С. ПУЛАТОВ,

Вилоят прокуратураси ички ишлар органларида тергов ва суриштирув ишларини назорат қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

• Вилоят прокуратураси фаолиятдан

АЛ-ҚАСОСУ МИНАЛ-ҲАҚ!

лими иқтисодий жинийчиликка қарши кураш бўлими ходимлари билан шаҳар бозоринда рейд ўтказётганда Паркент район маиший хизмат кўрсатиш уйининг директори Фотима Ғуломова ва фуқаро Мастура Мусурмонқуловаларни кўча автодўкон машинасида кўп миқдордаги духоба-бахмалнинг ҳар бир метрини 1650 сўмдан пуллаётганларида қўлга олдилар. Ф. Ғуломованинг Бойқозғон қишлоғидаги уйдан умумий нархи 6 миллион сўмликдан ортиқ духоба топилди. Бу далиллар юзасидан жиний иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда. Тергов жараёнлари вилоят прокуратураси томондан назоратга олинган.

Вилоят прокуратураси вилоят ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда иқтисодий ва бошқа жинийчиликларга қарши кураш тадбирларини ўтказмоқда. Ана шундай тадбир ўтказилаётган кунларнинг бирида С. Меликянга тегишли «Б 39—88 ТН» номерли «ВАЗ-2101» автомашинаси тўхтатилди. Текширишда машина салонинда мингдан ортиқ телерадио микро-схемалари, С. Меликяннинг ён чўнтагида 30 грамм тилла қўймалари борлиги аниқланди.

Кейинги текширувларда С. Меликяннинг акаси На-

нинг ўринбосари Анвар Хў-жамжонов, шу корхона таъминот бўлими бошлиғи Шайдулло Ҳоллиевлар билан келишган ҳолда сохта фирма ҳужжатлари асосида кўп миқдорда сотиб олинган микро-схемаларни, қайта ишлаш йўли билан олинган тиллаларни Арманистонга жўна-тиш мақсадида иш олиб борган. Ҳозир бу «опера-ция»да иштирок этган 5 нафар арманистонлик шахс билан жами 7 киши ҳибсага олинди.

Прокуратурамыз вилоят ички ишлар бошқармаси, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда тадбир ўтказиб, Қозоғистондан 305 грамм қўйма ол-тин, 2 кило миқдордаги кумуш қўймаси, 29 грамм гиёҳвандлик моддаларини Ур-тачирчиқ районига сотиш учун олиб келган Девяткин, Ли ва Сон деган фуқароларни ҳибсага олди.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар харомтомоқлар тегирикларини юргизаётгани шубҳасиз. Бундай кимсалар ҳеч қачон ўз халқига яхшилик соғинмайди, бири икки бўлсин, демайди. Аксинча шундай тақчилликлар узоқ давом этсин, кўпроқ бойлик тўплаб олай, деб ният қиладилар. Тожикистонлик фу-

вандликка қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Чирчиқ шаҳар автобус таксомотор паркида ишлайдиган Виктор Сквонтин Чирчиқдаги 232-дорихона му-дири Анвар Султоновдан таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган умумий баҳоси 2 миллион сўмлик 840 та ампулаларни сотиб олаётганда қўлга олинди.

Шу йилнинг 13 февралдан 14 февралга ўтар кечаси Оҳангарон район давлат автомобиль назорати инспекцияси ходимлари билан биргаликда ўтказилган текширувда У. Тожиев бошқариб бораётган ва Қирғизистон республикасига тегишли бўлган юк машинаси тўхтатилганда унда Ўзбекистондан ташқарига чиқариш таъқиқланган 23 миллион сўмлик мол борлиги аниқланди.

Янгийўл районини уюшган жиний гуруҳ шу районнинг «Ором» кафеси атрофларида бир неча оғир жинийлар қилганлиги аниқланди. Шу гуруҳ аъзолари Хидирали Алимбоев ва Хушнуддинбек Ёқубовлар ҳибсага олиндилар, қолганларига эса қидирув эълон қилинди.

Уюшган жинийчиликка қарши курашда умумий назорат усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Вилоятда на-

Олмалиқда яшовчи 39 ёшли Б. Дашокиров, 2-гуруҳ ногирони, ўз волидасини калтаклаган. Тан жароҳати олган шўрпешона она тиббиёт экспертизасига юборилган.

Шу йил январдан бери ҳеч қерда ишламайдиган, Оҳангарон районини «Ғаллақудуқ» давлат хўжалигида яшовчи, 1970 йилда туғилган С. Валтер қўлга олинган. У шу хўжалик ишчиси А. Абзаловнинг уйдан 4 та қўйни ўғирлаганлигида гумон қилинмоқда.

Шу кун 5 та йўл-улов, (Қибрай, Уртачирчиқ, Янгийўл районларида). Зангиота, Паркент районларида эса 2 та ёнғин ҳодисаси қайд қилинди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларидан 200 нафари Тошкент шаҳридаги тадбирларни ўтказишда ёрдам бериш учун тайёр тур-

дилар, 150 нафар ходим Тошкент, Зангиота, Қибрай районларида кечаси билан халқ оёйишталигини сақладилар. Ҳар бир шаҳар ва районларнинг ички ишлар бўлиmlарни ходимлари халқ сайнлларининг кўнгилли ўтишида иштирок этдилар.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Носир Исмонлов, унинг ўринбосарлари — Олимжон Жалилов, Бахтиёр Ҳакимов, Қаҳрамон Назаров, Шокир Икромов, Исоқул Усмоновлар номидан барча шахсий таркиб табрик этилди, радио орқали мусиқали саломлар йўлланди. Хизмат вазифасини адо этаётиб ҳалок бўлган 30 нафар милиция ходимларининг оилаларига ҳайрия совғалари топширилди. Қариндош-уруғлари вафот этган ҳамкасбларимизнинг уйига бориб, кўнгил сўрадик.

М. МИРСОВУРОВ.



ХАБАР БЕРАДИ

Рўза ҳайити кунини ахборотларни таҳлил қилиб ўтириб, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди: атиги 9 та жиний содир этилибди. Бундай ўзгаринларни 1992—1993 йилларнинг ахборотларида ҳам учратмаган эдим.

Рўза ҳайити шарофати билан 24 март кунини Тошкент вилояти ҳудудларида қасдан одам ўлдириш, но-мустага тажовуз қилиш, босқинчилик, жиний бозорлик, ўғирлик, давлат ва шахсий мулкка қасдан ўт қўйиш қайд қилинмаган.

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Йўл-улов ҳодисалари натижасида инсонларнинг нобуд бўлишлари ҳоллари ҳам йўқ.

Ахборотларнинг ноҳус ҳодисалар қайд қилинадиган бўлимида ўзини ўлдирганлар, оммавий заҳарланишлар, топилган мурдалар тўғрисида маълумотлар жойи бўш қолибди.

Яна биз милиция ходимлари учун қувончли ҳолат: шу кун содир этилган барча жинийлар очилган ва тергов ишлари бошлаб юборилган.

Энди «02» хабарларига ўтамиз:

Соат 14,20 да Бекобод шаҳри фуқароси 24 ёшли Г. Эгамбердиев фойдали меҳнат билан шуғулланмаганлиги етмаганидек, жанжаллашиб, турмуш ўртоғига пичоқ урган. Аёл шифохонага ётқизилган. Жинийчилик сабаблари

аниқланмоқда.

Бўка район ички ишлар бўлимига тушган аризага кўра, кеч соат 22.30 да икки йигит жанубий темир йўл вокзалидан «Ўқорол» давлат хўжалигига олиб бориб қўйишни сўраган. Манзилга етиб келишгач, «Ф-55—56 ТШ ВАЗ-2107» машинаси эгасини тушириб, машинани олиб қочишган.

Зангиота район ички ишлар бўлими ходимлари кеч соат 19 да ҳайдовчисини Сергели йўлида тушириб, унинг «92-06 ТНА» белгили «ГАЗ-24» автомашинасини олиб қочишгани тўғрисидаги хабардан сўнг қисқа муддатда ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган йигитни қўлга туширдилар.

● Вилоятимизда «Чақирилувчилар куни»



БЎЛАЖАК АСКАРЛАР БАЙРАМИ

Утган шанба куни Оҳангарон шаҳар аҳолиси яна бир сермазмун байрамнинг гувоҳи бўлди. «Чақирилувчилар куни» деб номланган бу таътанана 10 мингдан зиёдроқ томошабин тўпланди. Эрта тонгданоқ ранг-баранг байроқлар ҳилпираб турган ўйингоҳ тошкентлик, чирчқлик меҳмонларни ҳам ўз бағрига олди. Шу куни шаҳар маданият муассасалари, умумий овқатланш корхоналари йирилганлар хизматида бўлишди. Биз, сермазмун ва ўта қизиқарли намоиш этилган байрамдан сўнг ана шу тадбир бўйича штаб бошлиғи, шаҳар ҳокимининг биринчи муовини Аблаз УРОЛОВ билан мулоқотда бўлдик.

— Шаҳарда Наврўз байрами жуда кенг нишонланганидан хабаримиз бор, умумхалқ айёмига ана шундай катта спорт таътанаси улашиб кетди. Бу нўзда тўлганнида ёки бироз зарурат туфайли ташкил этилди-ми?

— Сиз томоша қилган бугунги байрамни Наврўзнинг давоми дейиш мумкин. Халқимиз очилиб-сочилиб таътананада иштирок этганлигини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. «Чақирилувчилар куни»ни ўтказиш биз учун тасодифий ҳол эмас. У режамиздан ўрин олган эди. Бундай тадбирни ташкил этишнинг ташаббускорлари — шаҳар спорт комитети раиси Ли Александр Сергеевич, шаҳар мудофаа бўлимининг бошлиғи Элдор Асадуллаев, шаҳар ёшларини хизматга тайёрлаш бўлимининг бошлиғи Иса Болтаев, шаҳар маданият бўлими мудири Ҳайтбой Омонов, тадбиркорлар уюшмасининг раиси Светлана Егоровна Пчелкина, ахборот маркази раиси Эркин Толиповлар бўлишди. Ҳокимлик, хусусан, ҳоким Александр Маҳамадшукурович Расулов уларни жон-дилдан қўллаб-қувватлади. Биз байрамни ўтказар эканмиз, ёшларни армия ҳаётининг турли қирралари билан таништиришни бош мақсад қилиб қўйган эдик. Бугун ана шунга эриша олдик, дейишим мумкин.

— Чиндан ҳам иштирокчилар шаҳар мактабларидан ўтказилган спорт мусобақаларини, Тошкентда, Чирчиқдан ташриф буюрган жангчилар намоиш этган турли театрлаштирилган кўрсатувларни, Тошкент спорт клубларида чегара хизматига мўлжаллаб тарбияланаётган итлар иштирокидаги томошаларни, ракета спорт кўрсатувларини ширқиб кўрдилар. Ҳақиқатдан ҳам ўйингоҳ устида вертолёт пайдо бўлиб, парашютчилар спорт бошланганида таътанана янада жонланиб кетди. Бундай уюшқоқликни таъминлашга қандай қилиб эришилди?

— Ўзингизга маълум, ҳар ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қилади. Бизнинг ҳокимликда кўпроқ ёшлар ишлашади. Бўлим мудири 21—30 ёш орасидаги ҳали куч-қувватга, ғайратга тўла ёшлар ҳисобланади. Бошқа хизмат тармоқларимизда ҳам ёшлар ташаббус кўрсатиб ишлашяпти. Ҳар ким ўз ишини билиб қилади. Билмаганимизни шаҳримиз фахрийларидан сўраб ўрганимиз. Бу борада бизга Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, заҳматкаш ижодкор Ақром Аъзамов ҳамisha ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Унинг маслаҳат-

лари билан кўп марта тарбиявий тадбирларни самарали ўтказганмиз. Бугунги таътананада ҳам у фаол қатнашди. Демак, каттаю кичикнинг уюшқоқлиги, ҳамкорлиги бор жойда иш унумли бўлаверади.

— Тадбир яхши ўтди. Сизнинг яна қандай иштакларингиз бор?

— Ҳозиргина томошабинлар номидан бугунги байрамни чиройли уюштириб берган шаҳримиздаги ташкилотлар ва муассасалар раҳбар ходимларига, барча фаолларимизга, шу жумладан Тошкент шаҳридаги Сирғали районининг спорт-техника клуби раҳбари В. М. Пиллаев, зобитлардан Т. М. Шерман, Олег Соколов, Андрей Юрченко, Андрей Вовк ўртоқларга шу ерда миннатдорчилик билдирдим. Ана шу мамнуниятимни улар билан бирга байрамимизда фаол иштирок этган вилоят фуқаролар мудофааси бўлимининг бошлиғи Абдужалил Юсупович Нурановга ҳам газетангиз орқали етказиб қўйишингизни иштардим.

Суҳбатдош С. ҲАСАНОВ.



Суратларда: «Чақирилувчилар куни» байрамидан лавҳалар.

Х. Солихов олган суратлар.



КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба, 12. IV

УзТВ I

- 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 7.30 «Тошкент» студияси. «Болалар».
- 8.20 «Таванна Қодиров куйлайди». Фильм-концерт.
- 8.45 «Четта оғиш новъ». Бадий фильм.
- 10.05 «Шарқнинг қадимий ёдгорликлари». Телефильм.
- 10.30 Уқув кўрсатуви. Физика. Электрролиз ҳодисаси.
- 11.00 «Фермерлар», «Пирим ороли». Телефильмлар.
- 11.30 Уқув кўрсатуви. Математика. Ули касрлар ва улар устида ишлаш.
- 12.00 «Мехр». Ишчи ёшларга гамхўрлик.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 Янгилликлар.

Сешанба, 13. IV

УзТВ I

- 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 7.25 «Куйла, дугорим». Фильм-концерт.
